



ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ ТАСВИРИДА КОНЦЕПТ ВА КОНЦЕПТОСФЕРА

Бахронова Дилрабо,

Ўзб. Рес. Қуролли Кучлари Академияси доценти, фил.ф.д. (PhD)

Калит сўзлар: билим, концепт, тушунча, концептосфера, тафаккур, концентрат.

Когнитив тилшунослик ва лингвокультурологияда концептга ҳар бир миллатнинг дунёқараши ва менталитети орқали оламнинг лисоний манзарасини тасаввур қилиш сифатида қаралмоқда.

Концепт ўзи нима? «Концепт» термини фалсафада У.Т.Гоббс, П.Абеляр, У.Оккам каби файласуфлар асос солган ўрта асрлар концептуализми даврига тегишли бўлиб, уларнинг фикрича, концептлар нарсалар белгиларини умумлаштирувчи ва онг томонидан унинг ички фойдаланиши учун гавдалантирилган, ўзида муҳим ва долзарб ахборотни жамлаган универсал омиллардир. «Концепт» термини илк марта С.Н.Аскольдовнинг 1928 йилда ёзилган «Концепт ва сўз» мақоласида ишлатилган. Концептларга берилган таъриф ва уларнинг типологияси, уларни ўрганишга оид ёндашувлар ҳар хил бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигида «концепт» термини дунё ҳақидаги билимларни намоён этиш шаклларида бири сифатида ишлатилади. Бироқ З.Д.Попова ва И.А.Стернин тўғри таъкидлашганидек, тилшуносликда концепт терминининг олам ҳақидаги билимларни намоён этувчи турли талқинлари мавжуд. Ш.Сафаровнинг фикрича, «концепт» тушунчасининг ўта мавҳум ҳодиса эканлиги, унинг замиридаги «ментал структура» аниқ моддий кўринишга эга бўлмасдан, балки аклий идрок жараёнида ҳосил бўладиган, тасаввурдаги тузилма эканлиги унга (концептга) тўлиқ жавоб беришни қийинлаштиради. Н.Маҳмудов ҳам терминология масаласида тўхталиб, «улар ҳақида тилшуносликда жуда кўп ёзилган бўлишига қарамасдан, ҳали-ҳамон уларнинг айримлари, масалан: «лисоний шахс», «концепт» терминлари талқинида

бир хилликка эришилган эмас», деб ёзади. Бундан ташқари, «концепт» билан «тушунча»ни бир-биридан ажратиш муаммоси ҳам ўз ечимини тўлиқ топган, деб бўлмайди. Қадим ва замонавий тадқиқотларда турли нуқтаи назарларнинг мавжудлиги ҳам буни кўрсатиб турибди. Жумладан, ўрта асрлардаёқ П.Абеляр: Тушунча онгли (*intellectus*) ва рационал билим (тушуниш) билан боғлиқ, концепт (*conceptus*) – маъноларни ижодий талқин қилишга қодир юксак маънавият, онг ҳосиласи, деб ёзган [НФЭ Т 1, 2010: 10-11] бўлса, В.Н. Ярцева «тушунча» ва «концепт» терминларини синоним сифатида келтиради [ЛЭС 1990: 559]. Бугунги кунда «тушунча» ва «концепт» синоним сифатида тилшуносларни қониқтирмай қўйди. Ю.С.Степанов фикрича, «тушунча предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги фикр бўлиб, уларнинг умумий ва аҳамиятли белгиларини акс эттиради, концепт эса – бу шундай бир ғояки, у нафақат мавҳум, балки аниқ-ассоциатив ва эмоционал-баҳолавчи белгиларни ҳам камраб олади. Концептлар нафақат фикрланади, балки улар бошдан кечирилади». Олим шунингдек, концепт маданий дунё ва индивидуал маънолар дунёси ўртасидаги кесишиш нуқтасидир, бу инсон шуурида тўпланган маданият концентратига (сгусток) ўхшайди, у орқали маданият инсоннинг онгига киради, деб ёзади.

«Тушунча» ва «концепт» терминлари В.Н.Телия, В.В.Колесов, Е.С.Кубрякова, В.И.Карасик, С.Г.Воркачев каби рус олимлари ишларида ҳам таърифланган. «Тушунча» ва «концепт»ни аниқ фарқлаш борасида В.Н.Телия «... «тушунча» терминини «концепт» терминига алмаштириш – оддийгина терминологик



алмаштириш эмас: концепт – бу доимо тартибга солинган билим, демак, у шунчаки объектнинг белгиларини акс эттирибгина қолмасдан, балки ушбу лисоний жамоада моҳият ҳақидаги билимларга оид барча белгиларни кўрсатади», дейди. В.З.Демьянковнинг фикрича, «тушунчалар – одамлар келишиб олган нарсалардир, одамлар уларни муаммоларни муҳокама қилганда «тил топишиш» учун ишлаб чиқадиладар; концептлар эса ўз-ўзидан мавжуд, уларни одамлар у ёки бу даражадаги ишонч ёки ишончсизлик билан қайта тиклайдилар». Демак, одамзот келишилган ҳамда индивидуал ҳолда жамиятда умумий ва хусусий ахлокий-миллий-маданий қонун-қоидалар, стереотиплар, эталонлар яратади. Уларнинг ҳаммаси инсоннинг онгу-шуурида асрлар давомида йиғилган ментал билим концептлар сифатида шаклланади.

Концептлар инсон онгида шаклланадиган туб негизлар бўлса, улар қай тариқа воқеланади? деган саволга З.Д.Попова ва И.А.Стерниннинг фикрича, тил концептларни инсон онгида шакллантиради, бироқ бунинг ўзи кам, яна сезгирлик, кўргазмалилик, у ёки бу нарса-предмет ёки ҳодиса билан боғлиқ фаолият зарур. А.П.Бабушкин концептни «коллектив онгнинг исталган дискрет мазмунли бирлиги бўлиб, у тил соҳиблари миллий хотирасида субстрат кўринишида сақланиб, реал ёки идеал дунё нарса-предметини акс эттиради. Концепт вербаллашади, сўз билан белгиланади, акс ҳолда у мавжуд бўла олмайди», тарзида таърифлайди. Е.С.Кубрякованинг фикрича, концепт – онгимизнинг ментал ва руҳий имкониятларини ҳамда инсонинг билим ва тажрибасини акс эттирувчи ахборот тизимини тушунтиришга хизмат қилувчи термин; хотира, ментал сўз бойлиги, миянинг концептуал тизими ва фикр юритиш (*lingua mentalis*) ҳамда инсон руҳиятида бутун дунё воқелигини акс эттирувчи тузилмадир [КСКТ 1996: 79-83].

Бизнингча, концепт инсон онгу-шуурида дунё, воқелик ҳамда шахснинг ўзи ҳақидаги ахборот, билимлар ва

баҳоаларни тасаввур қилишнинг муайян тузилмалари кўринишида қоришиқ сақланади ва тизимланади. Муайян нарса-предметнинг концепти макон ва замонда ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, у қотиб қолган «жисм» эмас, балки, кулол кўлидаги лойдек турли хил кўринишни эгаллаши мумкин.

В.А.Маслованинг фикрича, концепт лингвокультурологик ўзига хослик билан белгиланган ва муайян этномаданият соҳибларини у ёки бу тарзда тавсифловчи семантик тузилма. Концепт сўз маъносидан бевосита келиб чиқмайди, балки сўз луғавий маъносининг инсон шахсий тажрибаси ва халқ тажрибаси билан тўқнашуви натижаси ҳисобланади. У эмоционал, экспрессив, баҳолаш қошини билан ўралган. Масалан: ўзбек информантлар орасида «**бўталоғим**», деганда нимани тушунади? саволига: 1) фарзанд (73%); 2) ҳайвон боласи (27%), деб жавоб олинган бўлса, айти информантлар томонидан бир неча муддатдан кейин «**бўталоқ**»қа – 1) ҳайвон боласи (81%); 2) бола (14%); 3) семиз киши (5%) жавоблари кўрсатилди. Бу ерда «**бўталоқ**»қа «-им» кўшимчасининг қўшиб ишлатилиши зооморфизмнинг тағмаъносида луғавий маънонинг тажриба билан тўқнашуви натижасида ҳосил бўлган миллий семантик-прагматик ифоданинг кучайишида кўринади. Образли қилиб айтганда, «**бўталоқ**» - «бегона» сўз, «**бўталоғим**» эса «сўз» сўзга айланган.

Испан тилида **бўталоқ** **guelfo/a** зооними билан ифодаланади, аммо у деярли истеъмолда эмас, туя боласи луғатларда «*cría de camello*» (туя боласи) дейилган, одам (фарзанд)га нисбатан метафора ёки ФБлар таркибида учрамайди. Информантлар инсонга нисбатан бу сўзни бирорта кўчма маънода қўлламадилар. Канар ороллари испан тилига мансуб ҳисобланган **guelfo/a** зоолексемаси луғатларда ўз ўрнини топмаган, бу сўзни Испан қироллик академияси ҳузурида доимий ишлайдиган луғатшунослик академияси томонидан испан изоҳли луғатини бойитиб боровчи тилшунос олимларга асосий луғат таркибига



киритишни таклиф қилганимизда, улар томонидан изоҳли луғатнинг 25-қайта нашр жараёнида бу лексемани луғатга киритиш масаласи муҳокамага қўйилиши билдирилди.

Қисқача айтганда, концепт объектлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги ахборотни қуриш жараёнида пайдо бўлади, бунда ушбу ахборот инсонни ўраб турган дунёдаги воқеликларнинг ҳолатини ҳамда инсон тасаввуридаги дунё ва ундаги ишларнинг эҳтимолий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бу маълумотлар шахснинг дунёнинг объектлари ҳақида билган, тахмин қилган, ўйлаган, тасаввур этганларини ифодалайди.

Концепт терминини ўзбек тилшунослари, жумладан, Ў.Юсупов, А.Нурмонов, Ш.Сафаров, Н.Махмудов, Д.У.Ашурова, А.Э.Маматов, Б.Р.Менглиев, З.Т.Холмонова, Д.Худайберганова каби қатор олимлар таърифлашган. Ў.Юсуповнинг фикрича: концепт билан тушунчани айсбергга ўхшатиш мумкин. Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир. Ш.Сафаров: «концепт кўпжиҳатли ва кўпўлчовли ҳодисадир. Унинг шаклланиши воқеликни бевосита идрок этиш жараёнида ўзлаштириладиган билимнинг инсон хотирасидан билим олиши ва ушбу билимнинг маълум маънода мавжуд бўлган маданий, ахлоқий қадриятлар билан мослашувини тақозо этади», деб ёзади. Д.У.Ашурованинг фикрича, концепт деб барча тушунчаларни аташ нотўғри, балки дунё ва миллий маданият муҳиtida муҳим роль ўйнайдиган тушунчаларгина концепт бўла олади. Д.Худайберганова ҳам концептнинг кўп қиррали ва кўп қатламли ментал тузилма эканлигини таърифлар экан, концепт «бир вақтнинг ўзида психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этишини, чунки, концептнинг когнитив ва лингвокультурологик тадқиқотлар объекти сифатида тавсифланаётгани ҳам шундан далолат бериб» турганлигини таъкидлайди.

Б.Р.Менглиев ва З.Т.Холмоновалар фикрича: «Билимлар система характериға эға бўлмас экан, у тасаввурлиғича қолади. Барқарор (система)лашган билимлар концепт табиатиға эға бўлади. Концепт моҳиятини тушунча ва сўз категориялари билан яхлит парадигмада, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини текширмасдан тушунтириб бўлмайди».

Воқеликнинг инсон онгида акс этиш жараёни – жуда мураккаб ҳодиса. Бунга ҳиссий (бундан тасаввурлар ҳосил бўлади) ҳамда мантиқий билиш (бундан концепт ва тушунча ҳосил бўлади) орқали эришилади. Улар шундай изчил ва босқичма-босқич ҳодисаларки, воқеаларни сезиш, туйиш, идрок этиш, улар ҳақида тасаввур, билим ва, ниҳоят, тушунча ҳосил қилиш жараёни кетма-кет содир бўлади. Б.Р.Менглиев ва З.Т.Холмонова тушунчани концептнинг «мағзи» ҳисоблаб, ўзбек миллий бадиий кинофильми мисолида фикрларини қуйидагича давом эттирганлар: маълум бир фильм (айтайлик, «Келинлар қўзғолони»)ни кўраётганда воқеаларни сезги аъзолари – кўз ва кулоқ фаолиятига таяниб қабул қиламиз, онг ва хотирамизда мавжуд бўлган ахборот билан қиёслаб идрок этамиз – уқамиз, тушунамиз. Шунинг маҳсули ўлароқ, тафаккуримизда мазкур фильм ҳақида анча абстракт, умумий бир ахборот (маълумот) ҳосил бўлади, бу – шу фильм ҳақида онгимиздаги тасаввурдир. Лекин бу манзаравий тасаввур ҳали билим ёки тушунча эмас. Тушунча даражасига кўтарилиш учун тасаввур муносабатлар тизимиға киришиб, концепт даражасига, яъни системалашган билим даражасига, сўнгра бу концепт жузъийликлардан, манзаравийликдан холи бўлиши, юксак умумийлик даражасига кўтарилиши лозим. Фильмнинг муаллифи, яратилиш даври, образлар системаси, сюжети, композицияси, ғояси, бадиий хусусиятлари, асар ҳақидаги фикрлар, аҳамияти (бу қаторни анча давом эттириш мумкин) кабилар ҳақидаги тўлиқ ва системали тасаввур ҳосил қилинган, концепт шаклланди дейиш мумкин. Тасаввурнинг юқори даражаси (яъни тўлиқ



ва системали тасаввур)да концепт туғилади [...]. Концептнинг барқарорлиги ва тўлиқлиги, мукамаллиги ва изчиллиги тушунчанинг сифатини белгилайди. Тушунча сезиш-идрок-тасаввур билан биргаликда ўқиш, эшитиш, тушунтириш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Тушунча – материянинг олий маҳсули бўлмиш миянинг юксак даражадаги маҳсули. Тушунчанинг сезги, идрок, тасаввур ва концептдан фарқи шундаки, у муайян белги ва жиҳатларни эмас, балки у концептдаги энг умумий, энг муҳим умумлашмаларнигина сақлаб қолади (қаранг: Менглиев ва б., 2016: 1236.).

Таҳлил натижалари ва фикрлардан шундай хулосага келамизки, демак, «концепт»нинг концепт бўлиб шаклланишида тушунча “озуқа” вазифасини ўтайди. Тушунча – инсоннинг билим ва тажриба орттириши бўлса, концепт – инсон тафаккури, онгушууридаги яхлит ва йиғма ҳосила-концентратдир.

А.Абдуазизов «...сўзларни турли гуруҳларга ажратиб, маъноларини «семантик майдон»ларда таҳлил қилиш ва ўз навбатида уларни алоҳида концептлар сифатида қараш лозим»лигини уқтиради. Бугунги кунда тилшунослар концепт атрофида айланувчи билимларни концептосферада тадқиқ қилишни таклиф қилмоқдалар.

В.И.Вернадскийнинг «ноосфера» ва «биосфера» терминларидан илҳомланиб, концептосфера терминини фанга киритган Д.С.Лихачёвнинг фикрича, концептосфера бу – фикрлаш доираси бўлиб, ментал тасвирлардан иборат концептларнинг мажмуидир. Миллат тилининг концептосфераси қанчалик бой бўлса, миллий маданият ҳам шунчалик бой бўлади.

Оламнинг лисоний манзарасида концептосфера тил бирликлари ва маънолар мажмуи билан ифодаланади. Концептосфера тилдаги алоҳида сўзлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда бирор концептга хос бўлган тушунча ва маъноларнинг майдони ёки уларнинг мажмуи концептосферани ташкил қилади.

Концепт ва концептосфера терминларининг ўхшаш томонлари уларнинг инсон онгида пайдо бўлиб, бирор бир образни тасвирлашида кўринади⁵. Бинобарин, концептосфера фикрлаш инъикоси сифатида ҳамда универсал бир предметга хос рамзий бирликларнинг мажмуи сифатида инсонларнинг ахборот доирасини ташкил қилиб, у тил бирликлари бўлган сўз, метафора, фразеологизмлар, синтактик структура кабилар орқали ифодаланади.

Метафора номинатив, образли ва экспрессив функциясидан ташқари, яна концептуал вазифани ҳам бажаради. Концептуал метафоранинг роли айниқса, мавҳум тушунчаларни белгилашда яққол кўринади. Метафоранинг мазмуни асосий ва кўмакчи компонентларнинг ўзаро таъсирида намоён бўлади. Метафора борлиқдаги турли соҳаларда мавжуд бўлган объектларни номлаб, шу билан тилнинг лексик ва фразеологик қатламларини бойитувчи воситадир. Бунда «концептуал метафора аввал лисоний акс эттирилмаган ходисаларни вербаллаштиради ва унга борлиқни янада чуқурроқ, концептуал сатҳда ифодаловчи восита сифатида қаралади⁶. Ушбу мақолада «зооморфизм» концепт бўлса, уни қуршаб олган семантик/прагматик майдон «концептосфера» (термини)да ёритилди.

Қуйида «одам+хайвон» концептосферасида архиметафора ва метафорик ходисанинг иборалар ясалишидаги иштироки жараёнини қисқа ифодалашга ҳаракат қилинди. Бунда инсон тафаккурида метафора ҳосил бўлишига қадар бирламчи ядро архиметафора мавжудлиги ифодалашга ҳаракат қилинди.

Бу концептосферада «тана + ҳаракат» майдонида жойлашган «ҳаракат пастдан» ва «ҳаракат тепадан» архиметафоралари воқеликда кишининг муайян ҳолатини уларга хос концептуал метафоралар

⁵Прохоров Ю.Е. В поисках концепта. – М.: Флинта, 2009. – С.67.

⁶Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – С.82-83.



(пайтавага қурт тушмоқ) **қурт** (ғимирлаш) ва (танада чумоли ўрмаламоқ) **чумоли** (жимирлаш) зооморфизмлари орқали яралишида у ёки бу жиҳатдан асос бўлди. Бинобарин, бу «одам+хайвон» концептосферасида инсон фикрлашига оид инъикослар, универсал рамзий бирликларнинг мажмуи архиметафора ва метафора; метафоралар ўз навбатида «пайтавасига қурт тушмоқ» ва «(танасида) чумоли ўрмалагандек» ФБлар орқали ифодаланди: 1) Пайтава иссиқ тутиш ва терламаслик учун оёққа ўраладиган мато бўлиб, у оёққа ўралганда унинг ичига тушиб қолган қурт ғимирласа, одам типирчилаб қолиши мумкин. Бу иборанинг тўғри маъноси. Аммо пайтава деярли қўлланилмайдиган бугунги кунда бирор одамга нисбатан бу ибора ишлатилса, демак, ишлар жойида эмас, нимадандир ўзини қўярга жой тополмаётганлиги тушунилади. Бу асрлар қаъридан тафаккуримизда яшаб келаётган архиметафора ҳисобланади. Масалан: (Шоира): *Ухлашиб бўпти. Ҳаммасининг ороми бузилди. Пайтавасига қурт тушиди, назаримда. Иккала опам ҳам типирчилаб қолишиди* (Ж.Жабборов. Уйқусиз кеча, 19). ЎТИЛда ҳам бу иборанинг «безовта бўлмоқ, елиб-югуриб қолмоқ» маъносида ишлатилиши мисоллар билан ёритилган: *Худайчи жўнагач, қўргонбегининг пайтавасига қурт тушиб, типирчилаб қолди ва у ёқдан бу ёққа югура бошлади* (А. Қодирий. Ўтган кунлар) [ЎТИЛ, 2007: Т III, 204]. Ушбу ибора давр жиҳатдан юз йиллик фарқ оралиғида ёзилган юқоридаги асарларда прагматик жиҳатдан бир хил жаранглаб турибди. Бундай ибораларнинг этимологияси узоқ ўтмишга бориб тақалади.

2) *Чумоли ўрмалагандек* турғун ўхшатмани чоғиштириб таҳлил қилганимизда, «чумоли» зооморфизми ўзбек миллий концепти эканлиги асосланди. Муқобил сифатида испан тилида *carne de gallina*⁷, рус тилида эса

*гусиная кожа*⁸ ибораси ишлатилади. Ўзбек тилида **чумоли**, испан лисоний манзарасида *gallina* - **товук**, рус тилида *гусь* - **гоз** образи қўлланилганлиги турли халқлар тафаккурида «этнинг жимирлаб кетиши» ҳар хил ҳайвон концептининг муайян халқ томонидан қабул қилинган концептуал метафоралаштириш механизми асосида юз беришини кўрсатади. Масалан: *Recuerdo que se me puso la piel de gallina* (M.de Unamuno, Abel Sanchez, 47).; *Сайлонинг вужудида чумоли ўрмалагандек бўлди. Бир сесканиб, вужуди жимирлаб кетди* (Д.Мадрахимова. Гуноҳ, 7). Бу мисоллардан одам танасида жимирлаш оёқдан эмас, балки танадан, тепа қисмдан бошланиши ойдинлашади ва бу жиҳат мисоллар орқали тасвирланди.

Юқоридаги зооибораларнинг турли миллатга хос концептларда ифодаланиши, ўзбек, испан, рус миллатига хос бўлган миллий-маданий хусусиятларни билдиради. Бунда улар ҳақидаги тасаввурлар, яъни чумоли баданда юрганда жимирлаб кетиш, пати юлинган товук ва ғознинг тана кўриниши архиметафора (метафоранинг илк, бошланғич даври) сифатида тафаккурда олдиндан мавжуд бўлиши далилланмоқда. Ушбу миллий-маданий моделлаштиришни шундай изоҳлаш мумкин: испанлар билан мулоқотда «танамда чумоли ўрмалагандек бўлди» деб сўзма-сўз ўгириш нутқнинг экспрессивлигига путур етказди. Ўзбек тил соҳиби учун сўзма-сўз ўгирилган «товук терисидек» иборасида кўзда тутилган мақсад умуман тушунарсиз бўлади. «Танимдан **сон-саноксиз чумоли ўрмалагандек**, галати сесканиши билан чамадончамни ўриндиққа қўйдиму яна хотинга қарадим» (С.Аҳмад, Ялпиз хиди, 56). С.Аҳмад жумладаги иборанинг экспрессивлигини янада ошириш мақсадида «сон-саноксиз» сўзларини қўшган. Умуман, бундай эмоционал метафорик моделлаштиришлар бадиий адабиётда кўп ва хўб қўлланилади, улар асар бўёқдорлигини, экспрессивлигини,

⁸ Михельсон М.И. Русская мысль и речь. Свое и чужое. Опыт русской фразеологии. – СПб., 1896-1912. – 2208 стр.

⁷ DRAE –Madrid, Espasa, 1992. Т I. – р. 378.



ўқувчига прагматик мазмуннинг
тушунарли этиб боришини таъминлайди.
Демак, оламнинг лисоний манзарасини
англашда концепт ва концептосферада

турли образларни тадқиқ ва таҳлил қилиш
тилшунослик фани соҳалари ҳамда
таржимашунослик ривожига талай
янгиликларни очиб бериши шубҳасиз.

Адабиётлар:

1. Абдуазизов А. Тилшунослигимиз истиқболлари // Филология масалалари – Т., 2011. – №3 Б.22-25.
2. Ашурова Д.У. Связь вузовских курсов с современными направлениями лингвистики// Филологиянинг долзарб масалалари. Маъруза тезислари.–Т., 2008.
3. Аскольдов С.А. Концепт и слово. Русская словесность: От теории словесности к структуре текста: Антология / Под общ. ред. В.П. Нерознака. М.: Academia, 1997. С. 267-279.
4. Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2012. -№ 5. –Б. 3-16.
5. Менглиев Б.Р., Холманова З.Т.Тилшунослик назарияси ва методологияси. –Т., 2016. – 145 б.
6. Михельсон М.И. Русская мысль и речь. Свое и чужое. Опыт русской фразеологии. – СПб., 1896-1912. – 2208 стр.
7. Новая философская энциклопедия. В четырех томах. / Ин-т философии РАН. Научно-ред. совет: В.С.Степин, А.А. Гусейнов, Г.Ю. Семигин. М.: Мысль, 2010, Т. I. С. 10-11.
8. Попова З.Д, Стернин И.А. Семантико-когнитивный анализ языка. Воронеж: «Истоки», 2006. 226 с.
9. Сафаров Ш. Семантика. Т., 2013. – 344 б.
10. Сафаров Ш. Семантика. Т.: ЎЗМЭ давлат илм. нашр., 2013 – 344 б.
11. Степанов Ю.С. Константы: словарь русской культуры: опыт исследования. – М., 1997. 824с.
12. Худайберганаева Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини. Докторлик дисс. автореферати. – Т., 2015. – 102б.
13. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурега атамалари хусусида//Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Т., 2011. – Б. 49-55.
14. Ярцева В.Н. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: 1990. – С.559-560.
15. Black M. Models and metaphors. Studies in language and philosophy. – Ithaca-London: Cornell University Press, 1962. – P.25-47. Опарина Е.О. Концептуальная метафора // Метафора в языке и тексте. – М.: Наука, 1988. – С.65-67.
16. Бабушкин, А.П.Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. – ВГУ, 1996. –330 с.
17. Вернадский В. И. Несколько слов о ноосфере // Труды по философии естествознания. – М.: Наука, 2000. – С. 308-315.
18. Демьянков, В. З. Понятие и концепт в художественной литературе и научном языке // Вопросы филологии. – 2001. № 1. – С. 26 - 33.
19. Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., и др. Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996.
20. Лихачев Д. С. Концептосфера русского языка // Изв. АН. Серия литературы и языка. Т. 52. № 1. – М., 1993. – С. 39.
21. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику: Уч. пособие. – М.: 2004. – 296 с.
22. Прохоров Ю.Е. В поисках концепта. – М.: Флинта, 2009. – С.67.



23. Степанов, Ю.С. Константы: Словарь русской культуры: Изд. 2-е, испр. и доп. [Текст] /Ю.С. Степанов. – М., 2001. – 590 с.
24. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – С.82-83.
25. Телия В.Н. Русская фразеология: Семантический, прагматический, культурологический аспекты. – М., 1996. – 284 с.

Бахронова Д. Концепт и концептосфера в описании языковой картины мира. Важной задачей лингвистов настоящего времени заключается в выявлении общих свойств и особенностей концептов и концептосферы в языковой картине мира. На основе узбекского и испанского языков сопоставлены концепты и выявлена национально-культурная специфика анализируемых языков, а также доказано, что концепты раскрывают образ жизни, менталитет определённого этноса. Концептуализация мира формируется в сознании человека и этот процесс происходит у разных народов по-разному.

Baxronova D. Concept and conceptshpere in lingual world picture. The main aim of linguists of present time is to reveal general and peculiar features of concepts and conceptsphere in lingual world picture. On the material of Uzbek and Spanish languages concepts have been compared and national-cultural specifics has been revealed. Moreover, the author proves that concepts depict a definite ethnos's way of living and mentality. Conceptualization of the world is formed in a human's cognition, so different nations have various forms of this process.